



Privatization – as a basis for terminating state property rights

Shavkatbek JURABOEV¹

Namangan State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received April 2025
Received in revised form
15 May 2025
Accepted 25 May 2025
Available online
15 June 2025

Keywords:

privatization,
state property,
economic reforms,
market economy,
investment,
competitive environment,
legal regulation.

ABSTRACT

The article analyzes the legal and economic aspects of the new Law of the Republic of Uzbekistan "On Privatization of State Property," adopted on September 5, 2023. The theoretical foundations of privatization, global experience, and its significance for the national economy have been examined. The main principles of the new law – legality, openness, transparency, accountability, and ensuring a level playing field for competition – are discussed. The article explores the potential of electronic trading systems, independent valuation mechanisms, and the application of international practices. The economic efficiency of the law and its role in increasing production productivity and enhancing investment attractiveness are evaluated. Additionally, the article highlights certain shortcomings, such as provisions for small and medium-sized businesses, protection of employees' rights, and environmental requirements.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss5/S-pp460-465>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Хусусийлаштириш – давлат мулк ҳуқуқини бекор қилувчи асос сифатида

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

хусусийлаштириш,
давлат мулки,
иқтисодий ислохотлар,
бозор иқтисодиёти,
инвестиция,
рақобат муҳити,
ҳуқуқий тартибга солиш.

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 5 сентябрда қабул қилинган “Давлат мулкни хусусийлаштириш тўғрисида”ги янги Қонунининг ҳуқуқий-иқтисодий жиҳатлари таҳлил қилинган. Хусусийлаштириш институтининг назарий асослари, жаҳон тажрибаси ва миллий иқтисодиёт учун аҳамияти ўрганилган. Янги қонуннинг асосий принциплари – қонунийлик, очиқлик,

¹ Acting Associate Professor, Namangan State University.

шаффофлик, ҳисобдорлик ва тенг рақобат муҳитини таъминлаш масалалари кўриб чиқилган. Электрон савдо тизимлари, мустақил баҳолаш механизмлари ва халқаро тажрибадан фойдаланиш имкониятлари таҳлил этилган. Қонуннинг иқтисодий самарадорлиги, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш ва инвестиция жозибадорлигини кучайтиришдаги роли баҳоланган. Шуни билан бирга, кичик ва ўрта бизнес учун имтиёзлар, ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва экологик талаблар каби камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилган.

Приватизация как основание прекращения права государственной собственности

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

приватизация,
государственное
имущество,
экономические реформы,
рыночная экономика,
инвестиции,
конкурентная среда,
правовое регулирование.

В статье анализируются правовые и экономические аспекты нового Закона Республики Узбекистан «О приватизации государственного имущества», принятого 5 сентября 2023 года. Исследованы теоретические основы института приватизации, мировой опыт и значение для национальной экономики. Рассмотрены основные принципы нового закона – обеспечение законности, открытости, прозрачности, подотчетности и равной конкурентной среды. Проанализированы системы электронных торгов, механизмы независимой оценки и возможности использования международного опыта. Оценена экономическая эффективность закона, его роль в повышении производительности и усилении инвестиционной привлекательности. Вместе с тем выявлены недостатки, такие как льготы для малого и среднего бизнеса, защита прав работников и экологические требования.

Амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришлар ва рақобатбардош бозор муҳитини яратиш талаблари давлат мулкани самарали ташкил этиш ва хусусий сектор иштирокини кенгайтириш учун замонавий ҳуқуқий асослар яратишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 5 сентябрда қабул қилинган “Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида”ги янги Қонуни мамлакатда бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш ва давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини оптималлаштириш заруриятини кўрсатади.

Хусусийлаштириш тушунчаси (лотинча приватус сўзидан олинган) биринчи марта 1976 йилда америкалик тадқиқотчи Роберт В. Пуул томонидан Реасон Фондацион даврий бюллетени учун тайёрлаган нашрларидан бирида муомалага киритилган. Бироқ бу тушунчанинг терминологик келиб чиқиши 1969 йилга бориб тақалади, П. Друкер ўзининг “Анъаналарни бузиш даври” асарида “реприватизацион” сўзини миллийлаштирилган корхоналарни собиқ эгаларига қайтариш жараёнини эканлигига ёзади. Вебстер луғатида “хусусийлаштириш” атамасининг иқтисодий тушунчаси биринчи марта 1961 йил нашрида пайдо

бўлган ва “корхона мақомини давлат назоратидан хусусий мулкчиликка о‘згартириш” ёки “алоҳида корхона ёки саноатнинг хусусий мулкка айланиши” дея тарифланган. Ривожланаётган мамлакатларда хусусийлаштириш жараёнини ўрганган Мери Шерли ва Жон Ниллиснинг фикрига кўра, хусусийлаштиришнинг муваффақиятли шартлари бозорга йўналтирилган макроиқтисодий сиёсат бўлиб, давлат ҳам, хусусий сектор ҳам самарадорликни оширишини, капитал бозорининг етарли даражада таъминланишини, шунингдек харидорга сотилиши мумкин бўлган фирмаларни аниқлаш учун етарли вақт даврини беради.

Иқтисодий нуқтайи назардан хусусийлаштиришни аниқлашга ёндашувда Ғарбий Европа ва АҚШда ҳам бирлик йўқ. Олимлар хусусийлаштириш сифатида баҳоланиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг кенг рўйхатини илгари сурадилар. Америкалик муаллифлар хусусийлаштиришни “ишлаб чиқариш тизимини ёки давлат эҳтиёжларини давлат органларидан хусусий секторга таъминлаш тизимини ўтказишга (ўзгартиришга) қаратилган стратегия ва усуллар” деб тушунадилар. Канадалик олимлар хусусийлаштириш нафақат моддий бойликларни, ишлаб чиқариш ва таъминот тизимларини давлат компанияларидан хусусий корпоратсиялар ва жисмоний шахсларга бериш, балки давлат томонидан тартибга солиш тизимини заифлаштириш орқали бозор ролини кучайтириш жараёни деган хулосага келишади.

В.С. Белихнинг фикрича, “хусусийлаштириш” атамасининг ҳуқуқий тушунчаси уни амалий қўллаш учун яроқли қиладиган тўлиқ ва аниқ белгилар мажмуасига эга бўлиши керак, Яъни қонун билан қатъий белгиланган тартибга солинадиган муносабатлар доираси ва бошқалар талқин қилишда ноаниқлик ва шунга мос равишда амалий қўлланилишидаги фарқларга йўл қўймаслик учун чегараларга (тор маънода хусусийлаштириш тушунчаси) эга бўлиши керак. Хусусийлаштиришни кенг маънода кўриб чиқиш фақат ушбу тоифанинг кўп қиррали ва ноаниқлигини кўрсатиши мумкин (масалан, хусусийлаштириш сиёсий, тижорат, психологик ва бошқа жиҳатларга эга бўлиши мумкин).

Инглиз олими В.В. Раманадҳам иқтисодиётни хусусийлаштириш (яъни, хусусийлаштириш сўзининг кенг маъносида) ҳақида гапирганда, у корхонани хусусийлаштиришга қарама-қарши қўйган ҳолда, иқтисодиётда хусусий секторнинг ўсишига умумий тенденцияни англатади ва бунга қуйидаги йўللار билан эришиш мумкин:

- иқтисодиётнинг давлат сектори кенгайишини секинлаштириш;
- хусусий секторга нисбатан давлат секторининг ривожланиш суръатларини пасайтириш ёки янги хусусий инвестициялар ўсиши билан давлат тадбиркорлигини қисқартириш.

Француз иқтисодчиси А. Бисаге хусусийлаштиришни кенг маънода давлатни тадбиркорлик фаолиятдан озод қилиш ғоясини амалга ошириш, хусусий ташаббусни қўллаш ва бозор қонунларини бузувчи кучайган назоратни рад этиш билан белгилайди.

В. Кулиновнинг фикрича, давлат тасарруфидан чиқариш давлат корхоналарини тижоратлаштириш, камида 51 фоиз давлат иштирокида акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, давлат мулкни ижарага бериш ва хусусийлаштиришни ўз ичига олади. хусусийлаштириш иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқаришнинг энг радикал шаклидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида”ги янги Қонунининг асосий мақсади давлат мулкани хусусийлаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш бўлиб, у қонунийлик, очиқлик ва шаффоқлик, ҳисобдорлик, тенг рақобат муҳитини таъминлаш ва коррупцияга йўл қўймаслик каби фундаментал принципларга асосланади. Қонун давлат кўчмас мулк объектлари, давлат улушлари ва давлат муассасаларини хусусийлаштиришнинг турли усулларини белгилайди. Бунда аукцион, танлов савдолари, музокараларга оммавий равишда таклиф қилиш, рақобатга асосланган мулоқот, биржа савдолари каби замонавий усуллар назарда тутилган. Қонун ҳудудий бошқармалар ва маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатларини аниқ белгилаб, марказлашган ва марказсизлашган бошқарув принципларини уйғунлаштиради.

Давлат мулкани хусусийлаштириш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, инновацион технологияларни жорий этиш ва меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Хусусий мулкчилик инвестицияларни жалб қилиш, янги иш ўринларини яратиш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда самарали воситадир. Бундан ташқари, хусусийлаштириш жараёни давлат бюджетига қўшимча даромадлар келтиради ва бу маблағлар ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун йўналтирилиши мумкин. Рақобатбардош муҳитнинг шаклланиши истеъмолчилар учун сифатли маҳсулот ва хизматлар таъминлайди, нархларнинг пасайишига олиб келади.

Қонунчиликнинг энг муҳим ютуқларидан бири электрон онлайн савдолар тизимини жорий этиш бўлиб, бу коррупция хавфини камайтиради ва жараённинг шаффоқлигини таъминлайди. Қонун профессионал маслаҳатчиларни жалб қилиш имкониятини яратиб, халқаро тажрибадан фойдаланишга йўл очади. Давлат мулкани баҳолашда мустақил баҳоловчи ташкилотлар, жумладан халқаро нуфузга эга компанияларни жалб қилиш назарда тутилган. Хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқишда жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш механизми белгиланган. Мониторинг тизими харидорларнинг мажбуриятларини бажариши устидан самарали назоратни таъминлайди.

Қонуннинг муайян камчиликлари ҳам мавжуд бўлиб, хусусан, кичик ва ўрта бизнесга мўлжалланган махсус имтиёзлар етарлича белгиланмаган. Ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари тўлиқ ишлаб чиқилмаган ва хусусийлаштиришдан кейин иш ўринларини сақлаб қолиш кафолатлари етарли эмас. Қишлоқ ҳудудларидаги объектларни хусусийлаштиришда маҳаллий аҳолининг иштироки механизмлари анча чекланган. Сотиб олиш қобиляти паст бўлган фуқаролар учун имтиёзли шартлар кўзда тутилмаган. Экологик талаблар ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш масалалари етарлича батафсил ёритилмаган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, қонун давлат мулкани хусусийлаштириш соҳасида муҳим қадам бўлиб, замонавий бозор иқтисодиёти талабларига мос келади. Қонуннинг амалга оширилиши Ўзбекистонда хусусий мулкчиликни ривожлантириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва иқтисодий либераллашувни кучайтиришга хизмат қилади. Бироқ, амалиётда қўллаш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни олдини олиш ва ижтимоий адолатни таъминлаш учун қўшимча ислохотлар амалга оширилиши зарур. Қонуннинг

самарали ижроси учун тегишли ихтисослашган органларни кучайтириш, кадрлар тайёрлаш ва жамоатчилик билан фаол ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Давлат мулкани хусусийлаштириш – бу давлат мулкани хусусий мулкдорларга ҳақ эвазига бегоналаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси орқали иқтисодий ислохотлар доирасида амалга ошириладиган иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқаришнинг фавқулодда усулидир.

Ҳуқуқий нуқтайи назардан эса, хусусийлаштириш давлат мулкани ҳақ эвазига хусусий қўлларга ўтказиш, хусусийлаштиришдан кейинги даврда мулкка эга бўлган шахслар зиммасига аниқ масъулият юклаш, хусусийлаштириш битимларини тугатиш ва ҳақиқий эмас деб топишни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуидир.

Ўтказилган тадқиқот асосида қуйидаги илмий-ҳуқуқий хулосаларга келдик. Хусусийлаштириш институти XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллаб, давлат мулкани самарали бошқариш ва хусусий сектор иштирокини кенгайтиришнинг асосий воситасига айланган. Америка ва Европа олимларининг назарий ишланмалари хусусийлаштиришнинг фақат мулк иқтисодларни ўтказиш эмас, балки бутун иқтисодий тизимни ислоҳ қилишнинг комплекс механизми эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 5 сентябрда қабул қилинган "Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида"ги янги Қонуни миллий иқтисодиётни замонавий бозор талабларига мослаштиришнинг муҳим қадами ҳисобланади. Қонун қонунийлик, очиқлик, шаффофлик, ҳисобдорлик ва тенг рақобат принципларига асосланиб, хусусийлаштириш жараёнини тартибга солувчи замонавий ҳуқуқий база яратган. Электрон савдо тизимлари, мустақил баҳолаш механизмлари ва халқаро тажрибадан фойдаланиш имкониятлари коррупция хавфини минималлаштириш ва жараён самарадорлигини ошириш учун муҳим воситалардир.

Қонуннинг иқтисодий таъсири жиҳатидан айтганда, у ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, инновацион технологияларни жорий этиш ва инвестиция жозибadorлигини кучайтиришга қаратилган. Хусусийлаштириш орқали янги иш ўринлари яратилиши, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва давлат бюджетига қўшимча тушумлар келиши кутилмоқда. Рақобатбардош муҳитнинг шаклланиши истеъмолчиларга сифатли маҳсулот ва хизматлар, шунингдек нархларнинг оптималлашувини таъминлайди. Мониторинг тизими ва харидорлар мажбуриятларини назорат қилиш механизмлари хусусийлаштиришдан кейинги самарали фаолиятни кафолатлайди.

Бироқ, қонуннинг айрим камчиликлари ҳам мавжуд бўлиб, улар амалий қўллашда муайян қийинчиликлар туғдириши мумкин. Кичик ва ўрта бизнес вакиллари учун махсус имтиёзларнинг етарлича белгиланмаганлиги, ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларининг тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги ва қишлоқ ҳудудларидаги объектларни хусусийлаштиришда маҳаллий аҳолининг иштироки масалалари алоҳида эътибор талаб этади. Сотиб олиш қобиляти паст фуқаролар учун имтиёзли шартлар ва экологик талабларнинг батафсил белгиланмаганлиги ҳам қонунни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, давлат мулкани хусусийлаштиришни кучайтириш ва хусусий мулкчилиكنи ривожлантиришнинг самарали воситаси сифатида баҳоланади. Қонуннинг муваффақиятли ижроси соҳада малакали кадрлар тайёрлаш, жамоатчилик билан фаол ҳамкорлик қилиш ва қўшимча ислохотлар амалга ошириш зарур. Хусусийлаштириш жараёнида ижтимоий адолат принципларини сақлаш, барча қатламлар манфаатларини ҳисобга олиш ва узоқ муддатли иқтисодий самарадорликни таъминлаш асосий мақсад бўлиши керак.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.02.2024 й., 03/24/907/0127-сон.
2. Bel, G. (2006), The Coining of “Privatization” and Germany’s National Socialist Party, *Journal of Economic Perspectives*, 20, 3, 187–194.
3. Bel, G. (2006), The Coining of “Privatization” and Germany’s National Socialist Party, *Journal of Economic Perspectives*, 20, 3, 187–194.
4. Шерли М., Ниллис Дж. Реформа и приватизация государственных предприятий: обобщение опыта / Мэри Шерли, Джон Ниллис. – Мировой банк. Институт экономического развития. – Тбилиси: Издво «КОКА», 1992. – с 129.
5. Kikeri, S. and A. Kolo. 2005. Privatization Trends and Recent Developments. World Bank Policy Research Working Paper. 3765. Washington, DC: World Bank
6. Диденко А. А. К вопросу о развитии отечественной концепции источников гражданского права // Власть закона. – 2012. – № 3. – С. 124-131.
7. OECD. 2018. Privatisation and the Broadening of State-Owned Enterprises: Stocktaking of National Practices. Paris.
8. Privatisation in the UK. /Ed. By Ramanadham V.V. – L.; N.Y.: Routledge. 1988. P. 5.
9. Bizaguet A. Le Secteur public et les privatizations. – P. 1988. – P. 125.
10. Куликов В. Еще раз о смене приватизационной модели//Российский экономический журнал. 1996. №5/6. С. 23.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.02.2024 й., 03/24/907/0127-сон
12. Белых В.С. Приватизация государственных и муниципальных предприятий в Российской Федерации: экономико-правовые вопросы // Государство и право. 1996. №10. С. 69.